*КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ТАЛАБЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ВА XIX ПЛЕНУМЛАРИ ҚЎЙГАН ВАЗИФАЛАР ДАРАЖАСИДА БЎЛАЙЛИК*

# ЧУҚУР ТАҲЛИЛ, ОШКОРА ТАНҚИД

## ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИДА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ МАСАЛАЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

**Кеча бир қатор область партия комитетларининг пленумлари бўлиб ўтди. Уларда КПСС Марказий Комитети талаблари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумлари қарорлари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш соҳасида область партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди. Хоразмда — область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов, Наманганда — область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов, Фарғонада — область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров, Андижонда — область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Самарқандда — область партия комитетининг биринчи секретари Р. С. Ашуралиев ўртоқларнинг докладлари тингланди ва муҳокама қилинди.**

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Х. А. Шоғазатов Хоразм, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. К. Михайлов Наманган, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова Фарғона область партия комитетларининг пленумларида иштирок этдилар ва нутқ сўзладилар.**

**Пленумларда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.**

# СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленумида таъкидланганидек, партиямиз белгилаб берган улкан режаларни амалга ошириш коммунистлардан, барча меҳнаткашлардан ташаббускорлик билан қизғин ижодий меҳнат қилишни, қўшимча резервлар ҳамда имкониятларни излаб топиш ва ишга солишни, маҳорат, қатъият ва юксак уюшқоқликни талаб этади. Кадрларни танлаш, ижрони текшириш ҳамма ишнинг ўзаги бўлиб, партия ташкилотларининг бу соҳадаги фаолиятини тубдан яхшилаш, сўз билан иш бирлигини таъминлаш зарур. Бу масалалар область партия комитети пленумининг диққат марказида турди.**

Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитети талаблари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорлари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш соҳасидаги актуал вазифаларни ишчанлик, талабчанлик вазиятида муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов докладида ва музокараларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини бажариш йўлида қилинган дастлабки ишларга якун ясалди.

Ҳамма соҳада муайян силжиш бор, лекин қолоқ корхоналар, колхозлар ва совхозлар, ишга солинмаган резервлар озмунча эмас. Қатор корхоналар белгиланган планларни, шартнома мажбуриятларини бажармадилар, унумдорлик кўрсаткичини пасайтириб юбордилар. «Заготхлопкопром» бирлашмаси, Урганч нон комбинати, қурилиш материаллари заводи ва бошқа кўпгина корхоналарда янги техника, прогрессив технология жуда суст жорий этилмоқда. Урганч шаҳридаги корхоналар маҳсулотининг умумий ҳажмида олий сифат категориясидаги буюмлар салмоғининг кам эканлиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ҳаққоний танқидга учраса ҳам бу борада ҳамон сезиларли ўзгариш юз бермаяпти.

Капитал қурилиш миқёси ошиб бораётган бир вақтда уй-жой қурилиши планлари барбод берилмоқда. 21-қурилиш тресты айби билан ўтган тўрт йил ичида 6 минг квадрат метр турар-жой майдони фойдаланишга топширилмасдан қолди. Бу — аҳоли юзта уч хонали квартирани кам олганлигини кўрсатади. Уй-жой қуриш плани барбод берилган бир пайтда 167-қурилиш трестининг собиқ бошқарувчиси Н. Жуманиёзов трест раҳбарлари учун дача ва истироҳат жойлари қурилишидан куч ва маблағни аямади. Мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари қурилишига ҳамон етарли аҳамият берилмаяпти.

Область қишлоқ хўжалигида юз берган аҳвол, айниқса, ташвишли. Ўтган йили пахта тайёрлаш плани бажарилмади. Планга нисбатан 45 минг тонна дон кам етиштирилди.

### ХОРАЗМ

Хўжаликларда ерлардан фойдаланиш мутлақо қониқарсиз аҳволда. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, юқори ҳосилли минг гектарлаб массивлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетмоқда. Алмашлаб экиш ҳақида гап-сўз, қоғозбозлик авж олган, амалий ишлар эса ўлда-жўлда. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагидан анча камайишига йўл қўйилди, биринчи квартал ҳам қониқарсиз якунланди. Чигит, сабзавот, полиз, озуқа экинларини экиш чўзилиб кетмоқда.

Халқ хўжалигининг қайси соҳасида юз берган нуқсонлар, ҳал этилмаган муаммолар тўғрисида гапирмайлик, буларнинг асосий сабабларидан бири — кадрларга нисбатан талабчанлик бўшлигида, уларда топширилган иш учун масъулият оширилмаётганлигидадир. Бу ўринда янги вазифаларни эскириб қолган усуллар билан ҳал этиб бўлмайди, деган ленинча кўрсатмани ҳамиша эсда тутишимиз лозим. Гап — хўжалик механизмини, бутун бошқариш системасини такомиллаштириш, ҳамма ерда мустаҳкам тартиб ўрнатиш, турмушимизни ёт ҳодисалардан қатъият билан тозалаш устида боряпти.

Партиявий раҳбарликда ленинча принциплардан чекиниш ҳолларига барҳам бериш, вазиятни соғломлаштириш йўлида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан кейин ички ишлар органларига 240 коммунист ва комсомол ишга юборилди. Алдамчилик, ўғирлик, шахсий бойлик тўплаш, кўзбўямачилик ва порахўрлик йўлига ўтган шахслар жавобгарликка тортилди, 45 ходим партиядан ўчирилди ва 88 коммунистга қаттиқ партиявий жазо берилди. Ишда йўл қўйилган хатолар, кўрилган кескин чоралар келгусида сабоқ бўлиши, салбий ҳодисалар такрорланмаслиги учун сабот билан кураш олиб бориш, тарбиявий ишни ҳозирги давр талаблари даражасига кўтариш лозим.

Кадрларни танлаш ва тарбиялашда бошланғич партия ташкилотларининг ролини кучайтиришга ҳали ҳам етарли аҳамият берилмаяпти. Партия комитетлари ўтган йили 57 коммунистга бошланғич ташкилотларни четлаб ўтиб партия жазоси берганлигини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Боғот, Урганч ва Гурлан район партия комитетлари жиноий жавобгарликка тортилган коммунистларни анча вақтгача партия сафида қолдирганлар. Урганч район партия комитети пахта тозалаш заводи директорлигидан ишдаги жиддий хатолари учун бўшатилган Ж. Салаевни асфальт-бетон заводига директор қилиб тасдиқлаганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Кейинги вақтда Ж. Салаев қонунни бузганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, Урганч районидаги «Комсомол», «СССР 50 йиллиги» колхозларининг раислари Б. Каримов, Қ. Шариповлар нопок йўлга ўтганликлари, колхозчилар ҳақига хиёнат қилганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилдилар. Бу виждонсиз шахслар раҳбарлик лавозимларига қандай қилиб келиб қолди? Район партия комитети ва унинг биринчи секретари М. Жуманазаров кадрлар танлашда хатога йўл қўйганлиги колхозга ҳам, давлатга ҳам қимматга тушди.

Пленумда Хонқа район партия комитетининг биринчи секретари М. Жуманиёзов, Хива гилам комбинати тўқувчиси Н. Отажонова, «Туямуюнгидрострой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи И. Юсупов, Қўшкўпир районидаги Олтибой Қурбонов номли колхоз партия комитетининг секретари О. Собирова, «Средазтрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори В. Дедешко, Янгибозор район партия комитетининг биринчи секретари Р. Иброҳимова, Боғот районидаги Нариманов номли колхоз раиси А. Искандаров, Урганч шаҳридаги В. И. Ленин номли тикувчилик фабрикаси партия бюросининг секретари Т. Абдуллаева, Урганч районидаги «Қизилжар» совхози директори О. Худойберганов ва бошқа нотиқлар партия комитетларининг кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги фаолиятини танқид ва ўз-ўзини танқид асосида чуқур таҳлил қилдилар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини амалга оширишда юз бераётган камчиликларни тугатиш юзасидан қимматли мулоҳазаларни илгари сурдилар. Партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампаниясига тайёргарликни кучайтириш, КПСС Устави талабларининг сўзсиз бажарилишига эришиш, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, халқ контроли органларининг тартиб-интизомни мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини янада активлаштириш, 1985 йилги план ва мажбуриятларнинг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш зарурлиги алоҳида қайд қилинди.

Область коммунистлари ва барча меҳнаткашлари КПСС XXVII съездини ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини меҳнатда салмоқли ютуқлар билан кутиб олишга қатъий азму қарор қилганлар. Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленуми қарорларини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумлари белгилаб берган вазифаларни амалга оширишга маҳкам бел боғлаганликларини, ленинчи партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқуллаётганликларини изҳор қилдилар.

**Ф. ЗОҲИДОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# ПРИНЦИПИАЛЛИК РУҲИДА

**Наманган область партия ташкилотлари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, халқ хўжалигининг барча соҳаларида муайян ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Область меҳнаткашлари беш йилликнинг тўртинчи йилида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирландилар.**

Кеча бу ерда бўлиб ўтган пленум қатнашчилари область партия комитетининг биринчи секретари Н. Ражабовнинг КПСС Марказий Комитетининг талаблари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумларининг қарорлари асосида кадрлар билан ишлашни янада яхшилаш юзасидан область партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги докладини тинглаб, муҳокама этдилар.

Область меҳнат коллективлари ўтган йили унумли ва самарали ишлаб, планда белгиланганига қўшимча 32,8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар, меҳнат унумдорлиги кўзда тутилганига қараганда 2,8 процент ўсди, маҳсулот таннархи 1,2 процент арзонлашди. Қурувчилар янги қувватларни, турар жойлар, социал-маиший объектларни қуриб фойдаланишга топширишда ғайрат кўрсатдилар. Дала меҳнаткашлари, айниқса, пахтачиликда яхши кўрсаткичга эришишди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Наманган шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ш. Йўлдошев, Поп район партия комитетининг биринчи секретари М. Абдуллаев, Наманган районидаги «Ленинград» колхози сут соғувчиси Ф. Сиддиқова, Учқўрғон районидаги ремонт-механика заводи партия ташкилоти секретари А. Рябова, Косонсой район Совети ижроия комитети раиси А. Жаъфаров, область прокурори Ч. Жўраев ва бошқалар кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда қўлга киритилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар, муаммолар хусусида ҳам атрофлича фикр юритдилар.

Баъзи партия комитетлари у ёки бу раҳбар фаолиятидаги камчиликни принципиаллик билан баҳоламайди. Тўрақўрғон районидаги «Шарқ юлдузи», Чуст районидаги Навоий номли колхозлар правлениеларининг раислари С. Сайдалиев ва Х. Мирзакаримов зиммаларидаги вазифаларини уддалай олмадилар. Бироқ район партия комитетлари улар гўё бетоблиги сабабли вазифасидан озод қилинди қабилида қарор чиқаришди. Бу каби важларни баҳона қилиб, ишдан бўшатиш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Бундай кўнгилчанлик бошқа кадрлар тарбиясига, хўжаликлар экономикасига салбий таъсир этмоқда. Докладчи ва музокарада сўзга чиққан коммунистлар ана шундай ҳолларга барҳам бериш зарурлигини уқтириб ўтдилар. Танқид ва ўз-ўзини танқид коллективларда соғлом муҳитни вужудга келтиради. Шу сабабли раҳбар кадрларга танқидга ҳақиқий партиявий принципиаллик билан эътибор бериш руҳини сингдиришга ҳаракат қилинмоқда.

### НАМАНГАН

Ишдаги қолоқликларини хаспўшлаш учун кўзбўямачилик, ошириб ёзишларга йўл қўядиган раҳбарлар ҳам учраб турибди. Яқинда обком бюросида «Наманганирстрой» тресты раҳбарларининг фаолияти муҳокама этилди. Трестнинг собиқ бошқарувчиси М. Олимов коллектив белгиланган план ва топшириқларни шараф билан бажараётгани ҳақида партия ва совет ташкилотларига гапириб келарди. Аммо унинг сўзи билан иши бир эмас эканлиги маълум бўлди. Ўтган йили трестнинг ҳисоботларида фойдаланишга топширилган ер майдонлари 172 гектар ошириб ёзилган. Трестда кадрлар билан ишлаш қониқарсиз йўлга қўйилган.

Партия интизоми ва ахлоқи нормаларидан чекинишга ҳаракат қилган раҳбарларга нисбатан талабчанлик оширилмоқда. 1984 йили хизмат мавқеини суиистеъмол қилган, камоматга йўл қўйган, социалистик мулкнинг талон-торож қилинишига бефарқ қараган раҳбарлардан 54 нафари вазифасидан озод қилинди. Бундан буён ҳам халқ ишончини оқламаётган кадрларга нисбатан талабчанлик кучайтирилади. Янгиқўрғон, Учқўрғон, Чуст район партия комитетларининг собиқ биринчи секретарлари Т. Абдуллаев, Й. Қўлдошев, Н. Турғунов партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишлардан кўра кўпроқ хўжаликларнинг ички ишларига асоссиз аралашар, кўплаб мажлислар ўтказар, коллегиаллик билан иш юритишмас, ленинча иш услубини таркиб топтиришга интилмас эдилар. Улар ўз вазифаларидан бўшатилди. Бу раҳбарларнинг нотўғри иш юритишлари оқибатида мазкур районларнинг экономикасига жиддий путур етди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида Учқўрғон районидаги Қўғай пахта заводида тўқимачилик корхоналарига 210 минг сўмлик тола юборилди, деган сохта ҳужжатлар тузилганлиги қаттиқ танқид қилинган эди. Бу — партия ташкилотлари кўзбўямачилик, ошириб ёзишларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши янада қатъийлик билан кураш олиб боришлари лозимлигини кўрсатиб турибди.

Чуст район партия комитетининг нолойиқ иш услуби пленумда қаттиқ танқид қилинди. Райком Ленин номли колхознинг раислигида ишда хатога йўл қўйгани учун вазифасидан бўшатилган Б. Ҳусановни район қишлоқ хўжалик бошқармасига бошлиқ қилиб тасдиқлади. У уч йил ана шу лавозимда ишлагач, колхозлардан бирига яна раис этиб сайланди.

— Сўнгги йилларда районда пахта тайёрлаш плани бажарилмаяпти, — деди Чуст районидаги Навоий номли колхоз правлениеси раиси О. Ҳожиматов. — Ўтган йили 18 та хўжаликдан 4 таси планни адо этди, холос. Бу хўжаликка партиявий раҳбарлик савиясининг пастлиги, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда ленинча принципларга тўла риоя қилинмагани оқибатида содир бўлди. Районда кадрлар тез-тез алмаштириляпти. Тўрт йил ичида 9 та колхоз раиси, 4 та совхоз директори алмаштирилди. Кўп йиллардан бери қолоқликдан чиқолмаётган «Москва» колхозида 10 йилда 7 марта правление раиси вазифасидан бўшатилган. Район агросаноат бирлашмаси советида ҳам кадрлар резервини вужудга келтириш, улар билан ишлашда хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Пленумда Поп районидаги собиқ агросаноат бирлашмаси раҳбарлари, айниқса, унинг бош директори А. Одилов партия комитетлари назоратидан четда қолиб, социалистик қонунларни поймол этгани, софдил, принципиал партия ходимларига нисбатан зўравонлик қилгани, инсон шаънини ҳақоратлагани қаттиқ қораланди.

Кўп ҳолларда кадр танлашда фақат унинг анкета маълумотларига қараб баҳо берилади. Аммо, у тайинланиши мумкин бўлган лавозимга лойиқми, одамлар билан ишлай оладими, умуман раҳбарлик қилишга лаёқати борми каби саволларга жавоб изланмайди. Кейинги пайтда область партия комитети Задарё, Чортоқ, Норин район партия комитетларининг хўжалик, совет ва партия ишларига раҳбарликка тавсия қилган номзодларини қайтариб юборди. Областда раҳбар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш учун база йўқ. Ҳар йили минглаб кадрлар бошқа жойлардаги малака ошириш курсларига юборилмоқда. Хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга ҳам эътибор кучайтирилиши зарур.

**А. НИЕЗОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# ТАЛАБЧАНЛИК — БОШ МЕЗОН

**Область партия комитети жойларда партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларда топширилган иш учун масъулият ҳиссини ошириш, энг муҳим участкаларга ишониб топшириб қўйилган ҳар бир ходимда ҳалоллик, партиявий принципиаллик, талабчанлик ҳамда қатъият каби фазилатларни қарор топтиришда изчил йўл тутмоқда.**

Бу борада область партия комитети муайян тажриба тўплаганлигини эътироф этмоқ керак. Кадрларга нисбатан тутилган қатъий ва принципиал позиция самараси туфайли сўнгги йилларда область саноати, қурилиши ҳамда қишлоқ хўжалигида сезиларли силжишлар бўлди.

Лекин, деб таъкидлаб ўтишди докладчи — обкомнинг биринчи секретари Ҳ. Умаров ҳамда музокараларда қатнашган нотиқлар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленумида ҳаққоний кўрсатиб ўтилганидек, кадрлар сиёсатини амалга оширишда область партия ташкилоти ҳали етарли иш олиб бормаётганлигидан сира кўз юмиб бўлмайди. Чунончи, ҳар ўн корхонадан бири план топшириқларини бажара олмаётгани, ҳар олти корхонадан бири эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юбораётганини шу билан изоҳламоқ керак. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати паст эканлиги ҳақида ҳақли эътирозлар тез-тез эшитилиб турибди, мавжуд қувватлардан тўла фойдалана олмаслик фактлари содир бўлмоқда.

Янгиқўқон химия заводида технологик режимлар қўпол бузилиши натижасида янги қурилаётган бу корхона капитал ремонт учун тўхтатилди. Бу ҳол корхона директори Р. Тўрахўжаевнинг масъулиятсизлиги, ишга хўжасизларча муносабати оқибатида рўй берди. Энг хунуги шундаки, завод директори аҳволни яхшилаш учун конкрет, амалий тадбирлар белгилаш ўрнига баландпарвоз ваъдалар бериш билан кифояланиб юрибди. Шу ўринда Қўқон шаҳар партия комитети заводда вужудга келган носоғлом ҳол билан нега муроса қилиб келяпти деган ҳаққоний савол туғилади. Афсуски, Фарғона ёғ-мой комбинати, консерва заводи, Олтиариқдаги минерал сувлар заводи ҳамда Қувасой ғишт заводлари бошқармаси корхоналари фаолиятида ҳам худди ана шундай нуқсонлар кўзга ташланиб турибди.

Баъзи район партия комитетлари ҳамда қишлоқ хўжалик органлари колхоз ва совхозларга раҳбар кадрлар танлашда юксак талаблар даражасида иш тутмаяптилар. Оқибатда сўнгги беш йилнинг ўзида областда колхоз раисларининг ярмидан кўпроғи янгиланди. Шунга қарамасдан улар орасида қишлоқ хўжалиги бўйича олий ихтисосли мутахассислар 70 процентни ташкил этади, холос. Шуниси ачинарлики, областдаги 13 та хўжаликни ҳамон ўрта маълумотли кишилар бошқариб келмоқда. Охунбобоев, Ленинград, Бувайда, Киров, Қува районларидаги баъзи хўжаликларда худди шу манзарани кўриш мумкин.

Риштон районидаги «Риштон» совхози директори А. Халлоқов хўжаликка раҳбарлик қилишга ноқобил эканлигини бир неча йилдан буён сурункасига кўрсатиб келмоқда. Совхозда гўшт, сут, пилла, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева тайёрлаш планлари барбод бериляпти. Ўтган тўрт йил ичида давлатга 1156 тонна пахта кам топширилди. Бундан ташқари совхоз директори социалистик мулкни талон-торож қилиш билан шуғулланиб келди. Хўш, район партия комитети ўзбошимча хўжалик раҳбарига нисбатан қандай позицияда турди? Райком сўнгги икки йил ичида унга уч марта партиявий жазо берди. Сўнгги марта А. Халлоқовга шахсий варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Аммо унинг хўжаликка раҳбарликдаги фаолиятида ўзгариш сезилмади. Ҳаққоний савол туғилади: нега энди қобилиятсиз раҳбар туфайли бутун бошли совхоз, бутун коллектив азият чекиши керак? Очиқ айтиш керакки, Риштон район партия комитети бюроси ношуд директорга нисбатан принципсизларча позицияда турди, область партия комитети аралашгандан кейингина у вазифасидан озод этилди.

Ишни барбод бериб, ўз обрўсини тўккан ходим бир раҳбарлик ўрнидан иккинчисига силлиққина ўтказиб қўйилаётгани факти ҳамон учраб тургани пленум қатнашчиларида жиддий ташвиш уйғотди. Шундай мисол келтирилди. Олтиариқ йигирув фабрикаси директори М. Қосимов ҳисоботни бузиб кўрсатганлиги, кўзбўямачилик билан шуғуллангани учун КПСС сафидан ўчирилган ва вазифасидан четлаштирилган эди. Аммо область маҳаллий саноат бошқармаси раҳбарлари уни техника бўлими бошлиғи лавозимига тайинлашди.

Кадрлардаги ҳалоллик, камтарлик, ўз манфаатидан жамият манфаатини устун қўйиш ғоят қадрланадиган фазилатдир. Лекин айрим шаҳар, район партия комитетлари кадрларни танлаш, уларни ўрганиш ва жой-жойига қўйишда ана шу жиҳатларни унутиб қўймоқдалар. Оқибатда раҳбарлик лавозимларига нопок, тасодифий шахслар тайинланиб қолмоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина ўз хизмат лавозимларини суиистеъмол қилганлари, социалистик қонунчиликни бузганликлари, пора олганликлари учун тўқимачилик комбинатининг Янгиқўрғон, Риштон филиаллари ва Ёзёвон момиқ фабрикаси директорлари З. Ўрмонов, Ш. Шарипов, Д. Холбўтаев ва бошқалар КПСС сафидан ўчирилдилар ҳамда жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Тажриба шуни кўрсатяптики, кадрлар иши устидан етарли назорат йўқлиги ҳам хато ва камчиликлар, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолларини келтириб чиқаряпти.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, деб таъкидланди пленумда, айрим ходимларгина эмас, бутун-бутун ташкилотлар ҳам қатор йиллар мобайнида текширилмайди, юқори органлар олдида ҳисоб бермайди, демак, танқиддан, назоратдан четда қолади. Бу ўринда Қўқон шаҳар, Охунбобоев, Риштон районлари партия комитетлари адресига жиддий эътирозлар билдирилди. Улар коммунист раҳбарлар ҳисобини камдан-кам эшитадилар. Олтиариқ, Фрунзе районларида ҳам аҳвол яхши эмас. Шунинг учун ҳам салбий сабаблар билан вазифасидан бўшаганларнинг кўпчилиги асосан мана шу районлар ҳиссасига тўғри келади.

### ФАРҒОНА

— Раҳбарнинг вазифаси, — деди музокараларда қатнашган Охунбобоев районидаги Ниёзов номли совхоз сут соғувчиси Д. Дадабоева, — бугунги кунда ҳеч нарсани кўздан қочирмасликдан иборат. Бироқ бизда ундай эмас. Сут соғувчиларнинг дам олишлари учун шароит йўқ. Энг муҳими, чорва озуқасининг етишмаслиги ишимизга жиддий тўғаноқ бўлмоқда. Механизмлар бекор туриб қоляпти. Натижада чорвачилик маҳсулдорлиги паст. Шу йилнинг биринчи кварталида давлатга планга нисбатан 32 тонна кам сут топширилди. Райондаги «Ўзбекистон», Фрунзе номли ва бошқа хўжаликларда ҳам бу борадаги аҳвол яхши эмас. Бу район партия комитети, бош мутахассислар ҳамда хўжалик раҳбарлари учун жиддий сигнал бўлиши керак.

Айрим раҳбарлар хато-камчиликлар тўғрисида кескин, бор овоз билан гапиришни ёқтирадилар-у аммо амалда уни бартараф этиш билан суст шуғулланадилар. Салбий ҳолатларга қарши курашиш ўрнига баландпарвоз ваъдалар бериш билан чекланаётганлар ҳам оз эмас. Фарғона, Риштон, Охунбобоев районлари, Қувасой, Марғилон шаҳар партия комитетлари қабул қилинган қарорлар, коммунистлар томонидан билдирилган танқидий фикр ва таклифлар юзасидан белгиланган тадбирларни қониқарсиз бажармоқдалар. Лоқайдлик ва хотиржамлик ҳукм сурмоқда. Танқид ва ўз-ўзини танқид ҳам етарли даражада ўрин топмаяпти.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда қатнашган Бувайда район партия комитетининг биринчи секретари М. Ҳайдаров шундай деди:

— Районимиз илғорлар қаторида ҳисоблаб келинади. Халқ хўжалик план топшириқлари барча соҳалар бўйича адо этилмоқда. Бу, албатта, катта ташкилотчилик, жумладан кадрларни жой-жойига тўғри қўйиш, уларда масъулият ҳиссини тинмай ошира бориш самарасидир. Ҳозир райондаги 391 нафар раҳбар кадрларнинг деярли 90 проценти олий ҳамда ўрта ихтисосли ходимлардир. Бироқ бундан кадрлар масаласида камчиликларимиз йўқ деган хулоса келиб чиқмайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумларидан кейин районда 12 нафар раҳбар вазифасидан четлаштирилди. Партия ҳаёти нормаларини бузган икки раҳбар КПСС сафидан ўчирилди. Шулар қаторида район халқ контроли комитетининг собиқ раиси А. Эгамов ҳам борлиги бизни кадрлар билан ишлашни янада яхшилашга даъват этади.

Шундай фактларга ҳам дуч келинмоқдаки, дейишди нотиқлар, баъзи партия ташкилотлари раҳбар ходимларнинг сўз ва иш бирлигига риоя қилмасликлари каби фактларга ҳамон тоқат қилиб келмоқдалар. Бу қатор шаҳар, район партия комитетлари ўз иш услуб ва методларини қайта қуришда сусткашлик қилаётганликлари, бошланғич партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанлик бўшаштириб юборилганлиги оқибатидир.

Баъзан эса улар бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг фикрлари билан ҳисоблашишни истамаяптилар. Бу, айниқса, кадр танлашда яққол кўриниб қоляпти. Масалан, механика заводи ходими Санинга салбий характеристика берилганига қарамай, Фарғона шаҳар партия комитети уни «Газоаппарат» заводи бош инженери лавозимига тасдиқлаб юборди. Бошланғич партия ташкилотининг фикрини менсимаслик шунга олиб келдики, орадан бир ярим йил ўтгач, Санин ичкиликбозлиги учун ишдан бўшатилди. Корхона эса қолоқликдан чиқа олмади.

Пленумда сўзга чиққан нотиқлар — Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. Алимов, Қувасой цемент комбинати машинист ёрдамчиси Л. Альшерева, Фарғона районидаги Ҳамза Ҳакимзода номли колхоз бригада бошлиғи Н. Комилова, область прокурори О. Отажонов ва бошқа ўртоқлар область партия ташкилотлари фаолиятида кадрларни танлаш, тарбиялаш, кадрлар резервини вужудга келтириш, улар билан ишлаш, айниқса, хотин-қизлар орасидан раҳбарлик лавозимларига кўтаришдаги камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар. Пленумда барча ишларни КПСС Марказий Комитетининг талаблари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорлари асосида ташкил этиш, ҳар бир участкада кадрлар масъулиятини ошириш, ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида интизомни қатъий йўлга қўйиш область партия ташкилотларининг биринчи галдаги вазифаси эканлиги таъкидланди.

**О. ҲАКИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

**(Андижон ва Самарқанд область партия комитетларининг пленумлари ҳақидаги ҳисоботни газетанинг кейинги сонида ўқийсиз).**

